

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУХТАЕВ ДАВЛАТ БОБОМУРОДОВИЧ

**АМИНОКИСЛОТАЛАР ВА ГОМОВЕРАТРИЛАМИН АСОСИДА АЗОТ
САҚЛАГАН ГЕТЕРОЦИКЛИК БИРИКМАЛАР СИНТЕЗИ**

02.00.03-Органик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Кимё фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on chemical sciences**

Тухтаев Давлат Бобомуродович

Аминокислоталар ва гомовератриламин асосида азот сақлаган
гетероциклик бирикмалар синтези..... 3

Тухтаев Давлат Бобомуродович

Синтез азот содeржащих гетероциклических соединений на
основе аминокислот и гомовератриламина..... 21

Tukhtaev Davlat Bobomurodovich

Synthesis of nitrogen-containing heterocyclic compounds based on
amino acids and homoveratrylamine. 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К.01.03.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУХТАЕВ ДАВЛАТ БОБОМУРОДОВИЧ

**АМИНОКИСЛОТАЛАР ВА ГОМОВЕРАТРИЛАМИН АСОСИДА АЗОТ
САҚЛАГАН ГЕТЕРОЦИКЛИК БИРИКМАЛАР СИНТЕЗИ**

02.00.03-Органик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий атестация комиссиясида В2019.3.PhD/K231 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ik-kimyo.nuuz.uz) манзилига ҳамда “ZiyoNET” ахборот таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Виноградова Валентина Ивановна

кимё фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Ходжаниязов Хамид Уткирович

кимё фанлари доктори, катта илмий ходим

Холиқов Турсунали Суюнович

кимё фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё технология институти

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «21» 10 соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871)227-12-24, факс (99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail:chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (97- рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871)227-12-24, факс (99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «9» 10 куни тарқатилди.
(2020 йил «9» 10 даги 12- рақамли реестр баённомаси).

**З. А. Сманова**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор
Д. А. Гафурова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.д.,
А. К. Абдушукуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда инсон саломатлигига жиддий хавф туғдирувчи касалликларнинг келиб чиқиши ёки ривожланишига сабаб бўладиган замбуруғлар, патоген бактериялар, ҳамда вирусларнинг мутацияга учраши ва адаптацияланиши мунтазам равишда янги биофаол кимёвий структураларни излашни тақозо этади. Табiiй биофаол препаратларни қўллаш инсон саломатлиги учун хавфсизроқ бўлса ҳам, бу бирикмаларни табiiй манбалардаги миқдорининг камлиги, ажратиш ва тозалаш ҳамда саноат миқёсида кенг ишлаб чиқариш билан боғлиқ муаммолар сабабли янги кимёвий синтез усуллари ишлаб чиқиш катта аҳамият касб этади.

Бугунги кунда дунёда имидазо[5,1-*a*]изохинолин ва изохинолин склетига эга бирикмаларнинг саратон хужайраларини ингибирловчи, шезофрения касаллигини олдини олувчи, оғриқни қолдирувчи, яллиғланишга қарши ва бошқа фармакологик хусусиятларининг аниқланганлиги алоҳида аҳамият касб этиб, улар билан боғлиқ тадқиқотлар масшабини ортишига сабаб бўлмоқда. Бу эса, имидазо[5,1-*a*]изохинолин ва изохинолин ҳосилаларини муҳим бирикмалар сирасига киришини ҳамда уларнинг синтез усуллари янги ёндашувлар асосида ишлаб чиқиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фармацевтика саноатини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари негизида маҳаллий хомашёлар ва органик синтез маҳсулотлари асосида сифатли дори воситаларини яратиш ва ички бозорни зарурий дори воситалари билан тўлдириш ҳамда импорт даражасини камайтириш учун илмий тадқиқотлар ташкил этиган бўлиб, бу борада қатор натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш» вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, 8,9-диметокси-3-фенил(-1-алкил)-5,6-дигидроимидазо[5,1-*a*]изохинолинлар ва 1-(алкиламино)изохинолинларнинг янги ҳосилаларини муқобил синтезини амалга ошириш, тузилишини замонавий тадқиқотлар асосида аниқлаш, ҳамда улар орасидан биологик фаол моддаларни излашга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотлар муҳим саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»¹ тўғрисидаги Фармони, 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479-сон “Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ва 2021 йил 13 февралдаги ПҚ-4992-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

сонли «Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. Кимё, кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Изохинолин ҳосилаларини синтез қилиш ва уларнинг биологик хусусиятларини ўрганиш бутун дунё илмий мактабларида интенсификация тадқиқод мавзуларидан бирига айланган (M. Shamma, T. Kametani, A. Axrem va boshqalar). *Cribrochalina sp* таркибидан ажратиб олинган крибрастатин 6 ва имидазо[5,1-*a*]изохинолинлар бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар янги йўналиш бўлишига қарамасдан, сўнги 20 йил ичида кенг аудиториядаги олимлар жамоасини жалб этиб, истиқболга эга илмий натижаларни бермоқда. Хусусан, хорижлик олимлар – G.R. Pettit ва унинг жамоаси крибрастатин 6 нинг қатор биологик фаолликларини аниқлашда, S. Nakahara, M.D. Markey, S. F. Martin, V. Chang лар крибрастатин 6 нинг умумий синтез усулларини ишлаб чиқишда ва биологик хусусиятларини ўрганиш борасида, D.C. Harrowven, F. Jafarpour, A. Shaabani, F. Rahmani, Ginny D. Но лар имидазо[5,1-*a*]изохинолин ҳосилаларини ўзига хос синтез услубларини яратишда, Ю.В. Шкляев, В.Г. Карцев ва бошқалар изохинолин ҳосилаларини синтези, модификацияси ва биологик фаолликларини ўрганишда амалий изланишлар олиб боришган.

Республикамизда мазкур йўналиш ривожига С.Ю. Юнусов, М.С. Юнусов, В.И. Виноградова, М. Алимова, Н. Баратов, Ш.Н. Журақулов, ва А.Ш. Саидовлар изохинолин ҳосилалари синтези, уларнинг модификациялари ҳамда биологик фаоллигини аниқлаш муаммоларини ўрганишда илмий изланишлари билан ўз ҳиссаларини қўшишган. Мазкур тадқиқотларга қадар *N*-бензоил- α -аминокислоталарни гомовератриламин билан термик шароитдаги конденсация реакциялари, α -бензоиламино-*N*-[2-(3,4-диметоксифенил)этил]-ациламидларининг ички ва каскадли ҳалқаланиш реакциялари, *N*-фталоил- α -аминокислоталарни термик ва бошқа муқобил шароитлардаги амидланиш ҳамда трансамидланиш реакциялари, шунингдек, *N*-фталоил- α -аминокислоталардан псевдопротейн типидagi маҳсулотларнинг ҳосил бўлиш реакциялари ўрганилмаган. Шунинг учун, ушбу реакцияларни қиёсий ўрганиш ва маҳсулотлар тузилишини қатор физик тадқиқот усуллари ёрдамида аниқлаш, истиқболли моддаларнинг мақсадли синтезини амалга ошириш янги ва биологик фаол бирикмалар яратиш нуқтаи-назаридан мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари

режасининг № ВА-ФА-Ф-7-004 “Икки гетероатомли биологик фаол гетероҳалқали бирикмалар синтези” мавзусидаги (2017-2020 йй.) фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аминокислоталар ва гомовератриламин асосида азот сақлаган гетероциклик бирикмалар синтези, тузилиши ва физик-кимёвий катталикларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

субстрат сифатида олинган турли типдаги α -аминокислоталарнинг *N*-бензоил ва *N*-фталоил ҳосилалари синтезини амалга ошириш;

N-бензоил ва *N*-фталоил- α -аминокислоталарни турли шароитларда гомовератрил-амин билан амидланиш реакцияларини ўрганиш;

синтез қилинган амидлар тузилишини замонавий физик-тадқиқод усуллари ёрдамида тасдиқлаш ҳамда улар орасидан биологик фаолликка эга бирикмаларни излаш;

иккита карбамид гуруҳига эга *N*-бензоил- α -аминокислота амидларини, шунингдек, *N*-фталоил- α -аминокислота амидларини ҳалқаланиш реакцияларини турли шароитларда қиёсий ўрганиш асосида амалга ошириш;

баъзи 1-(алкиламино)изохинолин ҳосилаларини қайтарилиш реакцияларини ўрганиш;

олинган ҳалқаланиш маҳсулотларининг тузилишини физик-тадқиқод усуллари ёрдамида ўрганиш ва тузилиши тасдиқланган бирикмалар асосида намуналар тайёрланиб, фармакологик текширувлар учун тақдим этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида баъзи алифатик, ароматик, кислотали ва асосли α -аминокислоталар, уларнинг *N*-бензоил- ва *N*-фталоил ҳосилалари ҳамда амидланиш маҳсулотлари ва гомовератриламин танланган.

Тадқиқотнинг предмети нуклеофил алмашилиш реакциялари асосида олинган *N*-бензоил- α -аминокислоталар, *N*-фталоил- α -аминокислоталар, амидлар, *N*-фталоил- α -аминокислоталарнинг трансамидланиши, янги носимметрик о-фталкислота диамидларининг олиниш шароитлари, ҳалқаланиш реакциялари, маҳсулотларнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Нозик органик синтез усуллари, ИҚ-, ^1H ЯМР ва ^{13}C ЯМР-спектроскопиялар, масс-спектрометрия, рентген тузилиш таҳлили (РТТ), юпқа қатламли хроматография (ЮҚХ) ва биологик тадқиқот усуллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба *N*-бензоил- α -аминокислоталарнинг термик шароитда гомовератриламин билан амидланиш реакциялари амалга оширилган;

илк маротаба α -бензоиламино-*N*-[2-(3,4-диметоксифенил)этил]ацил-амидларининг эритувчи ва эритувчисиз шароитларда ҳалқаланиш реакциялари, 8,9-диметокси-3-фенил-(-1-алкил)-5,6-дигидроимидазо[5,1-*a*]изохинолинлар ҳосил бўлишида каскадли ҳалқаланиш содир бўлиши исботланган;

термик амидланиш шароитида *N*-фталоил- α -аминокислоталарнинг бирламчи аминлар билан трансамидланишининг содир бўлиши аниқланган;

юмшоқ шароитда *N*-фталойл- α -аминокислота хлорангидриди ёрдамида *N*-фталойл- α -аминокислота моноамидининг ёки носимметрик *o*-фталкислота диамидининг асосий маҳсулот сифатида ҳосил бўлиши бирламчи аминнинг концентрациясига, реакциянинг давомийлигига, протон акцепторининг турига ҳамда эритувчи табиатига боғлиқ эканлиги аниқланган;

α -аминокислоталар ва гомовератриламин асосида 8,9-диметокси-3-фенил-(-1-алкил)-5,6-дигидроимидазо[5,1-*a*]изохинолинлар ҳамда 1-(алкиламино)изохинолинларнинг янги ҳосилалари синтез қилинган;

N-фталойл- α -аминокислоталарни β -фенэтиламин иштирокида трансамидланишининг реакция механизми таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

карбоксил гуруҳи фаолланмаган *N*-бензоил- α -аминокислоталардан уларнинг амидларини олиш шароити, олинган амидлар орасида цитотоксик фаолликка эга бўлган вакиллари борлиги аниқланган;

N-фталойл- α -аминокислоталардан носимметрик *o*-фталкислота диамидаларини синтез қилишнинг “one pot” усули ишлаб чиқилган;

имидазо[5,1-*a*]изохинолин ҳосилаларини синтез қилишнинг самарали уч босқичли йўли ишлаб чиқилган ва синтез шароитлари яратилган;

1-(алкиламино)изохинолинларни *N*-фталойл- α -аминокислоталар орқали синтез қилишнинг мақбул шароитлари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги синтез қилинган бирикмаларнинг тузилиши ИҚ-, ^1H ва ^{13}C ЯМР-спектроскопия, масс-спектрометрия, шунингдек, рентген тузилиш таҳлили (РТТ) ёрдамида ишончли тарзда исботланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти α -аминокислоталар асосида конденсирланган трициклик 5,6-дигидроимидазо[5,1-*a*]изохинолинлар ҳамда 1-(алкиламино)изохинолинларнинг ўзига хос синтез йўллари ва қонуниятлари, шунингдек, оралиқ ва охириги маҳсулотларнинг физик-кимёвий катталикларини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган оралиқ босқич маҳсулотлари – α -аминокислота амидларининг баъзи саратон хужайраларига нисбатан цитотоксик фаоллиги аниқланган. Шунингдек, ҳалқаланиш маҳсулотлари: имидазо[5,1-*a*]изохинолинлар флуоресцент хусусиятига эга бўлиб, уларни тиббиётда “тиббиёт қаламчаси” сифатида қўллашга тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:

N-Бензоил (фталойл)- α -аминокислоталар ва гомовератриламин асосида азот сақлаган гетероциклик бирикмаларни синтези бўйича олинган натижалар асосида:

синтез қилинган 8,9-диметокси-3-фенил-1-изопропил-5,6-дигидроимидазо[5,1-*a*]изохинолин (**24**, CCDC 1948404); 8,9-диметокси-3-фенил-1-изобутил-5,6-дигидроимидазо[5,1-*a*]изохинолин (**26**, CCDC 1958696) ларнинг кристалл тузилишлари РТТ ёрдамида ўрганилган ва олинган натижалар Кембридж кристаллографик маълумотлар базасига киритилган (The Cambridge Structural Database, <https://www.ccdc.cam.ac.uk>, CCDC 1948404,

1958696). Натижада базага киритилган янги моддалар ўхшаш бирикмаларни синтез қилиш, тузилишини ўрганиш имконини берган;

олинган илмий натижалар ВА-ФА-Ф-6-009 рақамли «Табиий бирикмалар ва уларнинг синтетик ҳосилаларининг цитотоксик, антибактериал, замбуруғга қарши ва антиоксидант фаоллигини ўрганиш» мавзусидаги амалий лойиҳада α -аминокислоталар ва гомовератриламин асосида синтез қилиб олинган амидларни турли саратон ҳужайраларига қарши фаоллигидан фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2021 йил 23 июндаги 4/1255-1826-сон маълумотномаси). Натижада нормал тери ҳужайраларига нисбатан кам токсикликка эга бўлган саратонга қарши препаратлар яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 10 та, жумладан 5 та ҳалқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари (PhD) асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 1 та мақола республика ва 3 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**N-химояланган аминокислоталар, карбон кислота амидлари ва имидазоизохинолинлар синтези**» деб номланган **биринчи бобида** адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, унда *N*-Вос-аминокислоталар, *N*-Fмос-аминокислоталар ва *N*-Pht-аминокислоталарнинг синтези, амидларнинг карбон кислота ва аминлар асосида термик ҳамда бор бирикмалари катализаторларлигида тўғридан-тўғри синтезлари, шунингдек, крибростатин 6, имидазо[5,1-*a*]изохинолинлар ва имидазо[2,1-*a*]изохинолинларнинг умумий синтез усуллари ва биологик фаоллиги таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**8,9-диметокси-3-фенил-(-1-алкил)-5,6-дигидроимидазо[5,1-*a*]изохинолинлар ва 1-(алкиламино)изохинолинлар синтези**» деб номланган **иккинчи бобида** 8,9-диметокси-3-фенил-(-1-алкил)-5,6-дигидроимидазо[5,1-*a*]изохинолинлар ва 1-(алкиламино)изохинолинлар ҳамда

уларнинг бошланғич бирикмаларининг муқобил синтези бўйича олинган натижалар муҳокама этилган.

***N*-Бензоил- α -аминокислоталар синтези:** Бошланғич бирикмалар – *N*-бензоил (*N*, *N*-добензоил)- α -аминокислоталар (*N*-Bz-АК) **1-11** Шоттен-Бауман усулида сувли эритмада тегишли α -аминокислоталар (АК) ва бензоилхлориддан синтез қилинди. Реакциялар хона ҳароратигача ва муҳитнинг кучсиз ишқорийлигини доимий назорат қилган ҳолда амалга оширилади. Ушбу реакциялар аминокислота ва ишқорнинг (NaOH) 1:1.25 моль нисбатдаги сувли эритмасига 1.1 экв. бензоилхлоридни томчилатиб қўшиш билан олиб борилди. Реакциядан сўнг реакция аралашма кислотали муҳитга (pH 2) ўтказилди ҳамда маҳсулот (лар) **1-11** кам эрувчан кислота шаклида чўктирилди. Ўтказилган тажрибалар натижасида *N*-Bz-АК **1-10** лар (**1-10**) яхши унумларда олинди (1-Жадвал). Шу билан бирга, диаминомонокарбон кислота – DL-орнитинмоноклоргидрати билан амалга оширилган тажрибада бошқа *N*-ациллаш реакцияларига нисбатдан икки марта кўп миқдорда ишқор ва бензоилхлорид сарфланди ҳамда 67% унум билан *N* ^{α} ,*N* ^{δ} -добензоил-DL-орнитин (**11**) олинди.



1-Жадвал


Синтез қилинган *N*-Bz-АК ларнинг (**1-11**) баъзи физик-кимёвий катталиклари

Субстрат	№	Брутто формула	T _c /°C топилган/адаб.	Вақт (мин)	Унум (%)
Гли	1	C ₉ H ₉ NO ₃	186-188/192	100	76
DL-Ала	2	C ₁₀ H ₁₁ NO ₃	139-142	120	82
DL-Абу	3	C ₁₁ H ₁₃ NO ₃	148-151	130	73
DL-Нва	4	C ₁₂ H ₁₅ NO ₃	154-156/152-154	130	84
L-Вал	5	C ₁₂ H ₁₅ NO ₃	130-132/132-134	120	78
DL-Нле	6	C ₁₃ H ₁₇ NO ₃	136-137/137	110	70
DL-Иле	7	C ₁₃ H ₁₇ NO ₃	127-129/135-136	120	74
DL-Лей	8	C ₁₃ H ₁₇ NO ₃	135-137/139-143	110	78
DL-Фен	9	C ₁₆ H ₁₅ NO ₃	172-173/170-171	120	69
L-Асп	10	C ₁₁ H ₁₁ NO ₅	180-183	100	75
DL-Орн	11	C ₁₉ H ₂₀ N ₂ O ₄	166-167	120	67

Гомовератрил ва *N*-Bz-АК лар асосида амидлар олиш учун термик амидланиш усули танланган.

***N*-Бензоил- α -аминокислоталарнинг гомовератриламин билан термик амидланиши:** Карбоксил гуруҳида кучли ички мезомер таъсирнинг (+M) мавжудлиги ёки кислота ва аминдан ҳосил бўладиган тузнинг пиролизланишида фаолланиш энергиясининг юқорилиги катализаторсиз амидланиш реакцияларини юқори ҳароратда амалга оширишни тақозо этади. *N*-Bz-АК (**1**) ва гомовератриламин аралашмаси эритувчисиз шароитда 2.5 соат 175-178°C да мой ҳаммомида қиздирилди ва кутилган амид (**12**) 88%

унумда олинди. *N*-Bz-AK амидларининг бошқа вакиллари (**13-21**) ҳам мазкур реакция шароитида синтез қилинди. Тажрибаларда олинган маҳсулотларнинг ўртача унуми 75% дан юқори бўлиши кузатилди (2-Жадвал).



Термик амидланиш реакцияларида вақт динамикаси *N*-бензоил-DL-лейцин (**7**) ва *N*-бензоил-DL-β-фенилаланин (**9**) лар мисолида ўрганилди. **7** ва **9** бирикмалар асосида такроран 2.5 ва 3.5 соат олиб борилган реакцияларда маҳсулотлар (**19** ва **20**) 70-74% ва 73-78% унумларда олинди. Таҳлиллар 2.5-3.5 соат оралиғидаги реакция унумида катта фарқ йўқлигини кўрсатади. Бошқа термик амидланиш реакцияларининг вақтлари юпқа қаватли хроматография (ЮҚХ) таҳлиллари асосида белгиланди. Тажриба давомида *N*-Bz-AK ларнинг (**1-10**) ёки *N*^α,*N*^δ-добензоил-DL-орнитиннинг (**11**) молекулалараро ёки ичкимолекуляр трансамидланиши ҳамда α-аминокислоталарга хос чизикли ёки циклик амидларга ўтиши аниқланмади. Шундай қилиб, α-аминокислоталарни *N*-Bz-AK лар (**1-11**) тузилишига ўтказиш орқали эритувчисиз ва катализаторсиз шароитда уларнинг термик амидланиш реакцияларини оддий ҳамда самарали тарзда амалга ошириш мумкинлиги кўрсатиб берилди.

2-Жадвал

Олинган *N*-Bz-AK амидларининг (**12-21**) баъзи физик-кимёвий катталиклари

№	*R _f	T _c (°C)	Вақт (с)	Унум (%)	№	*R _f	T _c (°C)	Вақт (с)	Унум (%)
12	0.64	92 – 94	2.5	88	17	0.76	131-133	2.5	73
13	0.69	121-123	2	71.5	18	0.79	156-158	3	76
14	0.79	132-134	3	77.5	19	0.71	119-121	2.5/3.5	70/74
15	0.74	107-110	3	77	20	0.65	160-162	2.5/3.5	73/78
16	0.77	164-166	3.5	80	21	0.65	157-160	3	72


*Система: хлороформ : метанол – 8 : 1

Синтез қилинган амидларнинг (**12-21**) тузилиши ИК, ¹H ЯМР ва ¹³C ЯМР спектраскопия усуллари ёрдамида тўлиқ тасдиқланди. **12-19** бирикмаларнинг ¹H ЯМР спектларидан фарқли ҳолда **20** ва **21** бирикманинг протон спектрларида ортиқча ароматик ядро протонларига ҳамда NH гуруҳи протонига хос (**21**) сигналлар намоён бўлади.

Мазкур босқичда олинган α-аминокислоталарнинг икки ёқлама амидлари мақсад қилинган гетероҳалқали бирикмаларнинг синтези учун субстратлар сифатида ишлатилади.

8,9-Диметокси-3-фенил-(-1-алкил)-5,6-дигидроимидазо[5,1-а]изохинолинлар (ДГИИХ) синтези: *N*-Bz-AK амидларининг ҳалқаланиш реакциялари учун мақбул шароит **12** бирикма мисолида ўрганилди. Унинг **12** бензол эритувчисида кам эрувчан бўлиши ҳалқаланиш реакциясида самарали натижага олиб келмади. 16 соат P₂O₅ иштирокида абсолют хлороформнинг қайнаш ҳароратида ўтказилган тажриба натижасида кўра маҳсулот ҳосил

бўлмади. Шундан сўнг, ҳалқаланиш реакцияси **12** бирикма ва ортиқча миқдордаги POCl_3 дан иборат реакцион аралашмани сув ҳаммомда қиздириш билан амалга оширилди. ЮҚХ мониторинги асосида 2.5 соат давом эттирилган реакция натижасида 74% унум билан кутилган маҳсулот **22** олинди. Ушбу усул ёрдамида **14**, **15**, **16**-бирикмаларни ҳам ҳалқаланиш реакциялари амалга оширилди ва маҳсулотлар **23-25** хлоргидрат шаклида идентификация қилинди. **19** бирикма билан ўтказилган ҳалқаланиш реакциясида кутилган маҳсулот **26** асос ҳолида 82% унум билан олинди (3-Жадвал).



3-Жадвал

ДГИИХ ларнинг (**22-26**) баъзи физик-кимёвий катталиклари

№	Брутто формуласи	α_{Rf}	Тсуюқ. °С	Вақт (с)	Унум (%)
22	$\text{C}_{19}\text{H}_{18}\text{N}_2\text{O}_2$	0.8 (А)	172 – 174	2.5	74
23	$\text{C}_{21}\text{H}_{22}\text{N}_2\text{O}_2$	0.34 (Б)	244-245 ^b	3.5	61
24	$\text{C}_{22}\text{H}_{24}\text{N}_2\text{O}_2$	0.4 (Б)	219-221 ^b	4	76
25	$\text{C}_{22}\text{H}_{24}\text{N}_2\text{O}_2$	0.5 (Б)	253-255 ^b	4.5	70
26	$\text{C}_{23}\text{H}_{26}\text{N}_2\text{O}_2$	0.44 (Б)	202-204	3	82

^a Система: хлороформ :метанол – 8:1 (А), хлороформ :метанол – 3:1 (Б).

^b Бирикма хлоргидратининг суюқланиш ҳарорати.

** Ушбу ишга киритилган бирикмаларнинг РТТ лари ЎЗР ФА ЎМКИ физикавий тадқиқот усуллари лабораториясида проф. Б. Таиҳоджаев раҳбарлигидаги тадқиқот гуруҳи томонидан амалга оширилган.


Ўтказилган тажрибалар натижаси, *N*-Вz-АК амидларининг ҳалқаланиш реакцияларини эритувчисиз шароитда ортиқча миқдордаги POCl_3 билан амалга ошириш оддий ва самарали эканлигини кўрсатади. Мазкур шароитда дегидратловчи реагент таъсирида *N*-Вz-АК амиди молекуласидаги карбамид углеродлари электрофил марказ сифатида иштирок этади ва C-C, C-N боғларининг ҳосил бўлиши орқали ички/каскадли ҳалқаланиш содир бўлади.

ИК спектрларда **12,14-16,19** бирикмаларнинг амид карбонилларига хос ютилиш чизиқларини йўқлиги ички/каскадли ҳалқаланиш амалга ошганлигини ва **22-26** бирикмаларнинг ҳосил бўлганлигини кўрсатади. **22-26** бирикмаларнинг ^1H ЯМР спектрал таҳлиллари 6 ва 5 ҳолатлардаги CH_2 гуруҳларининг протон сигналларини дастлабки моддаларнинг (**12,14-16,19**) α ва β CH_2 гуруҳларининг протон сигналларига нисбатан кучсизроқ 2.86-3.01 м.у. ва 4.09-4.26 м.у. соҳаларда икки протонли триплетлар шаклида намоён бўлади. Уларнинг (**22-26**) 10 ва 7 ҳолатларидаги ароматик ядро протонларига

хос сигналларини 6.70-6.97 м.у. ва 7.01-7.18 м.у. соҳаларда бир протонли синглетлар шаклида намоён бўлади.


24-Бирикманинг гидрохлоридини олгач, туз тригидрат ҳолида кристалланади. **24**-Бирикманинг РТТ молекуланинг пиридин типидagi азот атомини (^{2}N) протонланиб молекуляр катион шаклига ўтганлигини ва унинг асимметрик қисмида хлор аниони ҳамда учта кристаллогидрат суви мавжудлигини кўрсатди. Ушбу кристаллда $\text{Cl}\dots\text{H}-\text{O}$, $\text{N}-\text{H}\dots\text{O}$ ва $\text{O}-\text{H}\dots\text{O}$ типидagi водород боғларининг бўлиши аниқланди. **26**-Бирикма гидрохлорид тузининг кристаллида $^{2}\text{N}-\text{H}\dots\text{Cl}$ типидagi водород боғи билан бир қаторда, $^{3}\text{C}-\text{H}\dots\text{Cl}$ типидagi водород боғларининг вужудга келиши иккита молекуляр катион ва иккита хлор анионидан иборат centrosymmetric димерни ҳосил қилади. Бирикмаларнинг (**24**, **26**) дигидропиридин ҳалқасидagi 5-ҳолат углероди ва азот атомлари ўртасидagi кимёвий боғ умумий текисликга нисбатан қисман четга чиққан бўлса, трициклдagi бензол ҳамда имидазол ҳалқалари ўзаро копланар бўлиши аниқланди. Шунингдек, 3-ҳолатга боғланган бензол ҳалқасини имидазол ҳалқаси текислигига нисбатан 40° га бурилган ҳолатда эканлиги аниқланди.

Шундай қилиб, табиий крибростатин 6 нинг структуравий аналогларини олишнинг қуйидаги уч босқичли усули ишлаб чиқилди: а) α -аминокислоталарнинг бензоиллаш; б) катализаторсиз ва эритувчисиз термик амидлаш; в) реагент муҳитида ички/каскадли ҳалқалаш.



20-бирикманинг манипуляцияси уни дегидратловчи реагент ёрдамида ҳалқалаганда нафақат имидазо[5,1-*a*]изохинолин каркасига, шунингдек, бис-изохинолин тузилишли бирикмагача ўзгаришини кўрсатади. Шунга кўра, ҳалқаланиш реакцияси дастлаб, **20** бирикма ва ортиқча POCl_3 аралашмасини сувли ҳаммомда қиздириш билан олиб борилди. Бироқ, 1.5 соатдан сўнг кимёвий ўзгаришга учрамаган реагентлар аралашмасига абсолют бензол қўшилди ва реактор тўғридан-тўғри яна 3 соат давомида қиздирилди. Эритувчи ҳайдалди ҳамда дигидроҳосила сифатида кўрилган маҳсулот бис-тетрагидроизохинолинга трансформация бўлиши учун шу реакторнинг ўзида, (спектрал таҳлилларисиз) метанол муҳитида NaNH_4 ёрдамида қайтарилди.


Маҳсулотнинг (**27**) ^1H ЯМР спектрида 5.20 м.у. ва 6.15 м.у. соҳаларда CH ва NH гуруҳлари протонига хос сигналларнинг аниқланиши ҳалқаланиш маҳсулотидаги имин гуруҳини ($\text{C}=\text{N}$) қайтарилишидан далолат берсада, ароматик ядро протонларига хос жами еттита протон сигналлари аниқланди холос.



Хусусан, 6.14 ва 6.57 м.у. соҳаларда 5 ва 8 ҳолатлардаги протонларга хос бир протонли синглетлар шаклидаги ҳамда 7.25-7.35 м.у. соҳада беш протонли мултиплет шаклидаги сигналлар намоён бўлиши кузатилади. Учинчи ароматик ядро протонларига тегишли сигналлар аниқланмади. Ушбу ҳолат икки босқичли синтез натижасида бис-тетрагидроизохинолин эмас, балки, 6,7-

диметокси-1-фенил-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин (**27**) ҳосил бўлганлигини тасдиқлайди. Мазкур ходиса *N*-Вз-АК амиди ва ортиқча POCl₃ дан иборат аралашмани очик ҳавода узоқ муддатли қиздирилиши амид боғларини кислотали гидролизига сабаб бўлиши ва кейинчалик фазовий қулай фрагмент орқали ҳалқаланиш рўй бериши билан изоҳланиши мумкин.

***N*-Фталоил- α -аминокислоталар синтези:** Ҳалқаланиш реакциясининг йўналишини химоя гуруҳининг табиатига боғлиқлигини ўрганиш мақсадида фталангидрид ва тегишли АК ларни ўзаро циклоконденсацияси орқали *N*-Pht-АК синтез қилинди.



4-Жадвал

N-Фталоил- α -аминокислоталар (**27-33**) баъзи физик-кимёвий катталиклари

Субстрат	Маҳсулот	Tс,°C топилган/адаб.	*R _f	Вақт (соат)	Унум (%)
Гли	28	199-202/196-198	0.5	5.5	81
L-Ала	29	147-150/149-151	0.45	6.5	91
L-Абу	30	78-80	0.47	6	90.5
L-Вал	31	106-108/110	0.53	5	83
L-Нва	32	88-91	0.6	7	98
L-Иле	33	123-125/123-125	0.4	6	85
DL –Лей	34	138-141/143	0.55	6	82


*Система: петролей эфири : метанол – 4 : 1

Ўтказилган тажрибаларда *N*-Pht-АК лар (**28-34**) юқори унумлар билан, хусусан **31** бирикма микдорий унумда (98%) ҳосил бўлди (4-Жадвал).

Синтез қилинган *N*-фталоил- α -аминокислоталар (**28-34**) кейинги босқич реакциялари учун субстратлар сифатида ишлатилади.

***N*-(3,4-Диметоксифенэтил)-2-(1,3-диоксоизоиндолин-2-ил)ацетамидлар синтези:** *N*-Вз-АК ларнинг эритувчисиз, термик шароитда тўғридан-тўғри амидланиши юқори унумда амалга ошади. Мазкур шароитда *N*-Pht-АК ларнинг амидланиши **28** бирикма ва гомовератриламин ўртасидаги тажриба мисолида қиёсий ўрганилди. 140°C да 40 дақиқа давом этган реакциянинг маҳсулотини идентификациялаш учун қилинган амалиёт натижалари икки турдаги маҳсулот ҳосил бўлганлигини кўрсатди. Биринчи маҳсулот бир қатор

эритувчиларда, хусусан, хлороформ, дихлорметан, бензол, толуол, гексан, ацетонитрил, тетрагидрофуран, 1,4-диоксан ва метанолда эримаслиги маълум бўлди. Бироқ, сирка кислотода яхши эриши, сувоқланиш ҳароратини 286-288°C га тенг бўлиши ва полярометриқ кузатувлар уни L-аланиннинг рацематланиш маҳсулоти - DL-аланин эканлигини кўрсатди. Шундан сўнг, **29** бирикманинг амидланиш жараёни м-кисилол муҳитида унинг қайнаш ҳароратида амалга оширилди. Эритувчида ўтказилган термик жараёнда ҳам эритувчисиз шароитда олинган натижаларнинг такрорланиши кузатилди. **31** Бирикма билан м-кисилол муҳитида амалга оширилган такрорий синов тажрибасида ҳам рацематланиш маҳсулоти - DL-валин ҳосил бўлди. Барча тажрибаларда олинган иккинчи маҳсулот (**35**) бўйича ўтказилган спектрал таҳлиллар, термик шароитда **29** ва **31** бирикмаларнинг амидланиши юз бермаганлигини, балки, молекулаларо трансамидланиши (МТА) содир бўлганлигини кўрсатади.



Жумладан, иккинчи бирик-манинг **35** ¹H ЯМР спектрида хирал углерод протонига (метин гуруҳи – CH), метил ёки изопропил гуруҳилари протонларига ва NH гуруҳи протонига хос бўлган сигналлар


аниқланмади. Унинг **35** ¹H ЯМР спектрда 2.88 м.у. соҳада икки протонли триплет шаклидаги α-метилен гуруҳи протонларига хос, 3.75 - 3.77 м.у. соҳалар оралиғида алоҳида уч протонли синглетлар шаклидаги OCH₃ гуруҳларининг протонларига хос, 3.84 м.у. соҳада икки протонли дублет шаклидаги β-метилен гуруҳи протонларига хос сигналлар ҳамда 6.68-6.75 м.у. соҳа оралиғида бир протонли дублет (H-2), икки протонли мултиплет (H-5, 6) ва 7.63-7.77 м.у. соҳа оралиғида алоҳида икки протонли мултиплетлар (H- фталид) шаклидаги сигналлар аниқланди. Мазкур спектрал таҳлил ҳам тажрибада молекулаларо трансамидланиш содир бўлганлигини исботлайди.

Фталимидо ҳалқасининг нуклеофил таъсирида осон очили-шини СО-N-СО тизимида азот-нинг иккала карбонил гуруҳлари билан р-π туташишда бўлиши мувоқат копланарлик-ка олиб келмаслиги билан изоҳлаш мум-кин. Олинган натижалар ва ўтказилган таҳлилларга кўра N-Pht-АК ларни термик шароитда бирламчи аминлар билан МТА Инг-Манске ва Габриэл реакциялари механизмига ўхшаш бўлади ва шунга мувофиқ мазкур жараён учун қуйидаги муқобил механизм таклиф этилади.

Бунда, гомовератриламин гидразинолиз жараёнидаги гидразин каби таъсирга эга бўлиб, дастлаб, фталимидо ҳалқасидаги электрофил марказ - карбониллардан бирининг углеродига нулеофил ҳужум қилади. Шундан сўнг, ҳосил бўлган аддуктда ички протон узатилиши ва карбонил гуруҳининг тикланиши (**a**) оралиқ маҳсулот бўлган носимметрик диамидни ҳосил қилади. Кейинги босқичларда фталкислота носимметрик диамида янги азот-углерод боғининг шаклланиши ҳамда иккинчи бор ички протон

узатилиши ва карбонил гуруҳининг тикланиши (**b**) янги фталимидо ҳалқасининг ҳосил бўлишига ҳамда АКни ажралишига олиб келади.


N-Pht-АК ни термик шароитда бирламчи амин иштирокида транс-имидланиши:



N-Pht-АК ларнинг (**28-34**) мақсад қилинган амидлари уларнинг хлорангидридлари ёрдамида олинади. *N*-Pht-АК хлорангидридларини олиш иккита муқобил усулда: 1. *N*-Pht-АК ни мул тионилхлоридда (SOCl_2) унинг қайнаш ҳароратида 1.5-2 соат қайнатиш орқали; 2. *N*-Pht-АК ва фосфор пентахлорид (PCl_5) лар аралашмасини хона ҳароратидаги дихлорметан (ДХМ) эритувчисида аралаштириш орқали амалга оширилади. **28** ва **29** бирикмаларнинг хлорангидридларини тажрибада аниқланган суюқланиш ҳароратлари (T_c) адабиётдаги T_c лари билан мос келади (86-89/84-85 °C ва 50-52/50.5 °C). *N*-Pht-АК хлорангидридлари кейинги босқич учун ортиқча тозалашларсиз ишлатилади.

28 бирикма хлорангидридининг ва етарли миқдорда протон акцептори (ТЭА-триэтиламин) қўшилган гомовератриламнининг дихлорметандаги (ДХМ) эквимольяр эритмалари ўзаро 0°C да аралаштирилганда, рангсиз реакцион аралашма бешинчи дақиқаданоқ оқ рангли қуюқ масса кўринишига ўтади. Умумий ҳолда 0.5 соат амалга оширилган реакция натижасида юқори унум - 90% билан **36**-бирикма синтез қилинди. *N*-Pht-АК амидларининг бошқа вакиллари (**37-42**) ҳам 2-3 соат 0°C дан хона ҳароратигача олиб борилган реакцияларда юқори унумларда олинди (5-Жадвал).

37-42 маҳсулотларнинг ДХМ да яхши эрий олиши, тажриба вақтида уларнинг ҳосил бўлишини визуал кузатиш имконини бермайди. Тажриба давомида реактордаги кимёвий ўзгаришни визуаль аниқлаш мақсадида реакциялар қутбсиз эритувчи – бензолда ҳам амалга оширилди.



iii: а) SOCl_2 , 1.5-2 с, қайнатиш ёки б) PCl_5 , ДХМ, аралаш.

iv: а) гомовератриламин, ТЭА, ДХМ, 0°С-хона хар, 0.5-2с. б) гомовератриламин, пиридин, C_6H_6 , 0°С-хона хар, 1-3с.

R = H (**36**);
R = CH_3 (**37**);
R = CH_2CH_3 (**38**);
R = $\text{CH}(\text{CH}_3)_2$ (**39**);
R = $\text{CH}_2\text{CH}_2\text{CH}_3$ (**40**);
R = $\text{CH}_2\text{CH}(\text{CH}_3)_2$ (**41**);
R = $\text{CH}(\text{CH}_3)\text{CH}_2\text{CH}_3$ (**42**):

Кутилганидек, тажрибада маҳсулотларнинг (**36-42**) ҳосил бўлишини визуал кузатиш имкони пайдо бўлди. Шунингдек, реакциядан сўнг маҳсулотларни (**36-42**) оддий филтлаш орқали ажратилиши усулни бирмунча қулай қилди.

Аммо, 3 соат 0°C дан хона ҳароратигача олиб борилган реакцияларда маҳсулотларнинг (36-42) унуми ДХМ муҳитида ўтказилган реакциялар унумидан паст бўлиши кузатилади.

5-Жадвал

N-Pht-AK амидларининг 36-42 баъзи физик-кимёвий катталиклари ва реакция шароити					
Маҳсулот	Эритувчи	Вақт (с)	Унум %	Тсуюқ.	*R _f
	iv (a) / iv (b)	iv (a) / iv (b)	iv (a) / iv (b)	(°C)	
36	ДХМ / Бензол	0.5 / 1	90 / 84	193-196	0.77
37	ДХМ / Бензол	2 / 3	87 / 78	118-121	0.72
38	ДХМ / Бензол	2 / 2	75 / 69	173-176	0.75
39	ДХМ / Бензол	3 / 3	72 / 60	181-184	0.68
40	ДХМ / Бензол	2.5 / 3	81 / 74	133-136	0.70
41	ДХМ / Бензол	3 / 3	80 / 59	154-157	0.73
42	ДХМ / Бензол	2.5 / 3	79 / 72	140-143	0.71


*Система: метанол : хлороформ : бензол – 1:2:7 (Г)

*N*¹-(3,4-Диметоксифенэтиламин)-*N*²-(1-(3,4-диметоксифенэтиламин)-1-оксоалкан-2-ил)фталамидлар синтези: Гомовератриламнининг ДХМ муҳитида *N*-Pht-AK хлорангидриди билан ацилланишини узоқ вақт давом эттириш реактордаги ҳосил бўлган амиднинг кимёвий ўзгаришига олиб келади. 39 бирикманинг синтез жараёнини вақт омилига боғлиқлиги ўрганилганда, реакция системасида кичик R_f қийматга эга иккинчи маҳсулотнинг (45) ҳосил бўлиши аниқланди. Шундан сўнг, тажриба баъзи янги модификация элементларини киритиш орқали, хусусан, ТЭА иштирокисиз гомовератриламнининг 4 экв. миқдори билан 12 соат 0°C дан хона ҳароратигача олиб борилди. Натижада, дастлабки ҳосил бўлган 39 бирикманинг тўлиқ иккинчи маҳсулотга 45 айланиши аниқланди. Мазкур реакция шароитида яна иккита: 29 ва 30 бирикмаларнинг хлорангидридларидан 43 ва 44 бирикмалар – о-фтал кислотанинг носимметрик диамидлари яхши унумларда синтез қилинди (6-Жадвал). 28-бирикманинг хлорангидриди билан ўтказилган тажрибада эса фақат 36 бирикма ҳосил бўлиши кузатилди. Ҳатто, тоза ҳолдаги 36 бирикма (амид) ва гомовератриламнининг бензолдаги аралашмаси сув ҳаммомида 2 соат қайнатилганда ҳам, субстратнинг фталимида ҳалқасини очилиши кузатилмади. Бу эса, фталимида ҳалқасининг очилишида алкил ўринбосарнинг аҳамиятини кўрсатиб беради.

43-45 бирикмаларнинг ¹H ЯМР спектрларида амидларнинг 37-39 ¹H ЯМР спектрларидан фарқли равишда бир эмас, балки, учта NH гуруҳи протонларига тегишли сигналлар намоён бўлади. Шунингдек, 3,4-диметоксифенэтил фрагментида тегишли протон сигналларини намоён бўлишида икки марта ортиқча сондаги протонлар иштироки кузатилади.

Уларнинг 43-45 ¹³C ЯМР спектрларида ҳам 3,4-диметоксифенэтил фрагментидаги углеродларга тегишли сигналларнинг дублет шаклида намоён бўлиши ёки фталимида ҳалқасидаги карбонил гуруҳи углеродларига тегишли сигналларнинг алоҳида намоён бўлиши фталимида ҳалқасининг очилганлигини ва псевдопротеин типидagi маҳсулотларни ҳосил

бўлганлигини кўрсатади. Физик-тадқиқот усуллари ёрдамида ўтказилган таҳлиллар носимметрик о-фталкислота диамидларни тузилишини тўлиқ тасдиқлаши билан бирга уларнинг (43-45) тозалик даражасини юқори эканлиги кўрсатди.



6-Жадвал

42-44 бирикмаларнинг баъзи физик-кимёвий катталиклари

Субстрат	Эритувчи	Маҳсулот	Вақт (с)	Унум %	Суюқ.хар. (°C)	*R _f
29	ДХМ	43	11	63	135-137	0.44
30	ДХМ	44	12	59	158-160	0.45
31	ДХМ	45	12	74	169-171	0.43


*Система: метанол : хлороформ : бензол – 1:2:7 (Г)

Шундай қилиб, аминнинг экв. миқдорида, ТЭА иштирокида ва вақт омилига боғлиқ ҳолда реакцияни мақсадли бошқариш имкониятлари кўрсатиб берилди ҳамда псевдопротеин типидagi бирикмаларнинг бир реакторли синтез шароити ишлаб чиқилди.

2-((6,7-Диметокси-3,4-дигидроизохинолин-1-ил)алкил)изоиндолин-1,3-дионлар синтези: N-Pht-АК амидларининг Бишлер-Наперальски усули бўйича ҳалқаланиш реакциялари учун мақбул шароит 36 бирикма мисолида ўрганилди. Ҳалқалаш реакцияси дастлаб, 1.5:1 моль нисбатдаги POCl₃ ва 36 бирикманинг бензолдаги аралашмасини 3 соат сув ҳаммомида қиздириш билан амалга оширилди. ЮҚХ мониторинги реакцион аралашмада ўзгариш бўлмаганлигини кўрсатди. Шундан сўнг, POCl₃ иштирокидаги ҳалқалаш реакцияси 36 бирикмани яхши эрита олган ацетонитрилнинг қайнаш ҳароратида 3 соатгача олиб борилди. Аммо, ўтказилган ушбу тажриба ҳам юқори самара билан амалга ошмади. Сўнгра, 36 бирикманинг ҳалқаланиш реакцияси шароитда POCl₃ нинг ортиқча миқдорида 1 соат қиздириш билан олиб борилди ва натижасида юқори унум билан (92%) маҳсулот 46 олинди. Маҳсулотларни 46-49 тозалаш ва ажратиш босқичида реакцион аралашмадаги мўл POCl₃ ни асос ёрдамида нейтралланишининг паст (0°C) ҳароратда, кучсиз ишқорий муҳитда амалга оширилиши N-фталимида ҳалқасининг очилишига олиб келмайди. Ушбу реакция шароити орқали 47-49 бирикмалар ҳам юқори унумларда синтез қилинди (7-Жадвал).

46-49 бирикмаларнинг ¹H ЯМР спектрлари ўрганилганда бошланғич бирикма-ларнинг 36-42 ¹H ЯМР спектрларида кузатилган 6 ҳолатдаги ароматик ядро протонига ҳамда NH гуруҳи протонига хос сигналлар аниқланмади. Аммо, 46-49 бирикмаларнинг 5 ва 8 ҳолатларидаги ароматик ядро протонларига тегишли сигналларнинг нисбатдан кучсиз соҳада бир

протонли синглетлар шаклида намоён бўлиши ҳалқаланиш амалга ошганлигини кўрсатади.



7-Жадвал


46-49 бирикмаларнинг баъзи физик-кимёвий катталиклари

№	Брутто формуласи	*R _f	Суюқ.хар., °С	Вақт (с)	Унум (%)
46	C ₂₀ H ₁₈ N ₂ O ₄	0.67	206-208	1	92
47	C ₂₁ H ₂₀ N ₂ O ₄	0.65	158-160	1	80
48	C ₂₂ H ₂₂ N ₂ O ₄	0.6	149-151	1	72
49	C ₂₄ H ₂₆ N ₂ O ₄	0.58	140-142	1	80

*Система: хлороформ : метанол – 6 : 1

1-Аминоалкил-1,2,3,4-тетрагидроизохинолин ҳосилалари синтези:

Синтез қилинган 3,4-дигидроизохинолин ҳосилаларининг (46, 49) имин гуруҳини (C=N) гидрогенлаш мақсадида нисбатдан специфик қайтарувчи бўлган NaBH₄ дан фойдаланилади. 46 бирикма етарли миқдордаги NaBH₄ билан музли ҳаммомда 1.5 соат протон эритувчи – метанол муҳитида қайтарилди. Ўтказилган ЮҚХ мониторинги биттадан ортиқ маҳсулот ҳосил бўлишини кўрсатди. Бир-неча маҳсулотларнинг ҳосил қарамасдан оддий тозалаш амалиёти орқали ягона маҳсулотни 50 (асосий) ажратиб олишга эришилди.



3,4-Дегидроизохинолин ҳосилаларининг кейинги вакиллари (47-48) ҳам мазкур реакция шароитида қайтарилди, бироқ, маҳсулотларни (тетрагидроизохинолинлар) тоза ҳолда ажратиб олиш имкони бўлмади. Шундан сўнг 42 бирикма билан ҳалқаланиш ва қайтарилиш реакциялари кетма-кет ягона реакторда амалга оширилди ва кутилган маҳсулот гидрохлорид шаклида осон ва қулай ажратилди.

8-Жадвал

49,50 бирикмаларнинг баъзи физик-кимёвий катталиклари

№	Брутто формуласи	*R _f	Тсуёқ., °С	Вақт (с)	Унум (%)
50	C ₂₀ H ₁₀ N ₂ O ₄	0.52	206-208	1.5	67
51	C ₂₄ H ₂₈ N ₂ O ₄ *HCl	0.48	216-217 ^b	1.5	85

^a Система: хлороформ : метанол – 6 : 1, ^b хлоргидратининг суюқланиш ҳарорати.

Тажрибалар давомида олинган бирикмаларнинг баъзи вакиллари фармакологик фаолликлари ЎЗР ФА ЎМКИ генетика ва токсикология

лабораториясида ўрганилган (проф. Азимова Ш.С. раҳбарлигидаги тадқиқот гуруҳи томонидан). Улар орасидан **16, 17, 19** бирикмалар 10 мкг/мл концентрацияда қизил ўнгач саратони (HEp-2) ва бачадон бўйни саратони (HeLa) хужайраларига нисбатдан цитотоксик фаолликни намоён қилиши аниқланган.

Диссертациянинг «тажрибавий қисм» деб номланган **учинчи бобид**а, фойдаланилган реактивлар тавсифи берилган, тадқиқот ҳамда кимёвий ўзгаришларни олиб бориш услубияти, синтез қилинган бирикмаларнинг физик-кимёвий ва спектрал характеристикалари келтирилган.

ХУЛОСАЛАР

1. *N*-бензоил- α -аминокислоталарнинг термик шароитда амидланиш реакциялари амалга оширилди ва ушбу шароитда молекула таркибига киритилган бензоил фрагменти α -аминокислоталарни полипептид ёки дикетопиперазин шаклига ўтишининг олди олганлиги кўрсатиб берилди.

2. Биринчи марта гомовератриламин ва α -аминокислотанинг *N*-бензоил ҳосилаларидан 8,9-диметокси-3-фенил-5,6-дигидроимидазо[5,1-*a*]изохинолинларни олиш реакциялари амалга оширилди ва жараёнга таъсир этувчи омиллар кўрсатиб берилди.

3. Олинган натижаларга кўра, *N*-фталоил- α -аминокислоталарнинг эритувчи иштирокидан қатий назар термик шароитда амидланиш реакцияларини амалга ошмаслиги, балки, аминлар таъсирида трансамидланишга учраши исботланди ва ушбу трансамидланиш жараёни учун муқобил реакция механизм таклиф этилди.

4. Илк маротаба *N*-фталоил- α -аминокислоталар орқали азот сақлаган гетероциклик бирикмалар синтезида фталимида ҳалқасининг очилишидан псевдопротеин типдаги бирикмалар олишни бир реакторли ва бир босқичли усули учун мақбул шароитлар таклиф этилди.

5. Биринчи марта α -аминокислоталарни *N*-бензоил ва *N*-фталоил ҳосилаларини термик усулда амидланиш реакциялари қиёсий ўрганилди ҳамда улар асосида олинган амидларнинг ҳалқаланиш реакциялари учун мақбул шароитлар кўрсатиб берилди.

6. *N*-Бензоил ва *N*-фталоил- α -аминокислоталар асосида олинган 4 та гетероциклик бирикманинг тузилиши рентген таҳлили ёрдамида тасдиқланди ҳамда Кембриж кристаллографик маълумотлар базасига киритилди. Шунингдек, синтез қилинган 12 та бирикмаларга тегишли маълумотлар дунёнинг йирик биотиббий агентлиги саналган National Institutes of Health (АҚШ) нинг очиқ кимё маълумотлар базасига киритилган.

7. Тадқиқотлар натижасида 50 дан ортиқ бирикмалар синтез қилинди, жумладан 33 таси янги бўлиб, улар орасида цитотоксик фаоллик кўрсатувчи моддалар борлиги аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К.01.03.
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

САМАРКАНДКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ТУХТАЕВ ДАВЛАТ БОБОМУРОДОВИЧ

**СИНТЕЗ АЗОТСОДЕРЖАЩИХ ГЕТЕРОЦИКЛИЧЕСКИХ
СОЕДИНЕНИЙ НА ОСНОВЕ АМИНОКИСЛОТ И
ГОМОВЕРАТРИЛАМИНА**

02.00.03-Органическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.3.PhD/K231

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ik-kimyo.nuuz.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Виноградова Валентина Ивановна
кандидат химических наук, с.н.с.

Официальные оппоненты:

Ходжаниязов Хамид Уткирович
доктор химических наук

Холиков Турсунали Суюнович
доктор химических наук, доцент

Ведущая организация:

Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится “21” 10 2021 г в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.2019.K.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел.: (99871)227-12-24, факс: (99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail: chem102@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана за № 97 с которой можно ознакомиться в ИРЦ. (100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел.: (99871)227-12-24, факс: (99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail: nauka@nuu.uz).

Автореферат диссертации разослан “9” 10 2021 года.

(реестр протокол рассылки № 12 от “9” 10 2021 года).


З. А. Сманова
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор
Д. А. Гафурова
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.х.н.
А. К. Абдушукуров
Заместитель председателя научного семинара
при научном совете по присуждению учёных
степеней, д.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность темы диссертации. В мире мутация и адаптация грибов, патогенных бактерий и вирусов, вызывающих различные заболевания, представляющих серьезную угрозу для здоровья человека, требуют постоянного поиска новых биоактивных химических структур. Несмотря на то, что использование природных биологически активных препаратов менее опасно для здоровья человека, разработка новых методов синтеза является важным из-за небольшого количества этих соединений в природных источниках, а также проблемах их разделения, очистки и создания крупномасштабного промышленного производства.

На сегодняшний день в мире, что соединения, содержащие имидазо[5,1-*a*]изохинолиновые и изохинолиновые скелеты, ингибируют рост раковых клеток, предотвращают шизофрению, снимают боль, обладают противовоспалительными и другими уникальными фармакологическими свойствами, что способствует увеличению масштаба исследований, связанных с ними. Это свидетельствует о том, что имидазо[5,1-*a*]изохинолины и производные изохинолина являются важными соединениями и что разработка методов их синтеза на основе новых подходов является актуальной.

На основе мер поддержки фармацевтической отрасли, а также для пополнения внутреннего рынка необходимыми лекарствами и сокращения импорта в нашей стране организованы исследования по созданию качественных лекарственных препаратов из местного сырья и продуктов органического синтеза. В стратегии развития Республики Узбекистан намечены задачи по «Усовершенствованию развития фармацевтической промышленности, по улучшению обеспечения населения и медучреждений дешёвыми и качественными лекарственными средствами». В связи с этим осуществление синтеза новых производных 8,9-диметокси-3-фенил-(-1-алкил)-5,6-дигидроимидазо[5,1-*a*]изохинолинов и 1-(алкиламино)изохинолинов, подтверждение их структуры современными физическими методами и поиск среди них биологически активных соединений имеют большое значение в этом направленном научном практическом исследовании.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»¹, Постановлениях от 17 января 2018 года №ПП-3479 «О мерах по стабильному обеспечению отрасли экономики страны востребованными видами продукции и сырья», от 12 августа 2020 года №ПП-4805 «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах».

по направлениям «химия» и «биология», от 13 февраля 2021 года № ПП-4992 «О мерах по дальнейшему реформированию и финансовому оздоровлению предприятий химической промышленности, развитию производства химической продукции с высокой добавленной стоимостью», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

